

МИНТАҚАДА ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қўзибоев Бехзод Ҳамидович
УрДУ “Туризм” кафедраси ўқитувчиси
E-mail: ursu_economics_behzod@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда хизматлар ва экспорт соҳасининг роли кўрсатиб берилган. Шунингдек, минтақада хизматлар экспортининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, уни истиқболда ривожлантириш бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Аннотация: В статье показаны роль сферы услуг и экспорта в экономическом развитии региона. А также, анализировано нынешнее состояние экспорт услуг в регионе, даны выводы, предложения и рекомендации по дальнейшему развитию этой сферы.

Abstract: In this article the role of service and export sector on development of the economy of the region is shown. And also, the current condition of export of services of the region is analysed, conclusions, suggestions and recommendations are given for further development of this sector.

Калит сўзлар: минтақа, хизматлар экспорти, халқаро бозор, тўлов баланси.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бунга асосан экспортни ривожлантириш орқали эришиш аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “... мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2017 йилда сўзсиз ҳал қилувчи фаолият йўналишига айланиши зарур” [1].

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Президент фармонида ҳам ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган [5].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Экспортни ривожлантиришда хизматлар соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки, хизматлар соҳаси миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда кўпчилик мамлакатларда хизматлар ишлаб чиқарилишининг ошиши, хизматларнинг сифати яхшиланиши, хизматларнинг

халқаро савдода ривожланиши ва ушбу соҳада аҳолининг бандлиги ошишини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим И.С.Абдуллаевнинг тадқиқотларига кўра, Хоразм вилоятида 2020 йилга бориб хизматлар соҳасининг ўсиш суръати 12,2 фоизни ташкил қилади. Бу эса, минтақада хизматлар соҳасининг нақадар истиқболли эканлигини, экспортни айнан шу соҳада ривожлантириш зарурлигини белгилайди [3].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Ш.Ш.Шодмоновнинг фикрича, хизматлар экспорти товарлар экспортдан фарқ қилади. У чет эл валюталари ҳисобига чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлиб, унинг бир қисми миллий чегарада амалга оширилади (масалан, чет эл компанияси вакилларига почта, телеграф хизмати кўрсатиш, чет эл фуқароларига сайёҳлик хизмати кўрсатиш ва ҳоказо) [2].

Минтақада хизматлар экспортини ривожлантиришни мақсад қилар эканмиз, аввало, экспорт қилинадиган хизмат турларини ўрганиш лозим.

Россиялик тадқиқотчи Е.М.Денисованинг фикрича экспорт хизматлари таркиби иккига бўлинади: асосий ва қўшимча экспорт хизматлари.

Асосий экспорт хизматлари халқаро бозорда истеъмолчи талабини номоддий кўринишда қондирувчи хизматлардир:

- илмий-техника соҳасидаги алмашинув (патент, лицензия, “ноу-хау” шаклидаги савдо);

- техник хизматлар алмашинуви (консультатив ва қурилиш-инжиниринг);

- ижара хизматлари (асосан лизинг);

- туризм хизматлари;

- информацион ва бошқарув соҳасидаги консультатив хизматлари;

- кинофильм ва телекўрсатувлар алмашинуви.

Қўшимча экспорт хизматлари халқаро савдода товарлар олди-сотдиси жараёнида юзага келадиган истеъмолчи талабини моддий кўринишда қондирувчи хизматлардир:

- халқаро юк ташиш;

- транспорт-экспедиторлик хизмати;

- юкларни суғурта қилиш;

- халқаро юк ташишда юкларни сақлаш;


- халқаро ҳисоб-китоб [4].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда қиёсий таҳлил, мантикий таҳлил, тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш, синтез, SWOT-таҳлил, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 61фоизни [6], Хоразм вилоятида эса бу кўрсаткич 46,9 фоизни [7] ташкил қилмоқда.



1-расм. Вилоятда 2016 йилда ЯХМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби [7].

1-расмдан кўринадики, Хоразм вилоятида экспортни саноат ёки қишлоқ хўжалигида эмас, балки хизматлар соҳасида ривожлантириш зарур. 2016 йилда вилоят экспорт таркибида хизматларнинг улуши 41 фоизни ташкил қилгани сўзимизнинг исботидир (1-жадвал).

1-жадвал

2016 йилда Хоразм вилояти экспорт таркиби тузилиши [7]

| | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида | 2015 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз ҳисобида |
|--|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Экспорт таркиби | 100 | 97,8 |
| пахта толаси | 34,3 | 63,1 |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 8,4 | 4,6 м |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 0,4 | 77,8 |
| энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | 0,1 | 5,9 м |
| қора ва рангли металллар | - | - |
| машина ва ускуналар | 0,01 | 20,8 |
| хизматлар | 41,0 | 114,5 |
| бошқалар | 15,79 | 161,9 |

2015 йилда вилоятда жами 55286,5 минг АҚШ долларилек хизматлар экспорт қилинган. Хизматлар экспортида энг катта улуш (48914,5 минг АҚШ доллари) туризм хизматларига тўғри келган. Шунингдек, 3963,8 минг АҚШ долларилек хаво йўллари хизматлари ва 1835,0 минг АҚШ долларилек молиявий хизматлар экспорти амалга оширилган. Автойўл, ижара, маданий дам олиш ҳамда компьютер ва информацион хизматлар экспорти нисбатан паст улушларни ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал

2015 йилда Хоразм вилояти хизматлар экспорти ва импорти тармоқлар бўйича таркиби (минг доллар) [7]

| № | Хизмат номи | Экспорт | Импорт |
|---|------------------------------------|---------|--------|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | жами хизматлар | 55286,5 | 7128,8 |
| 2 | автойўл хизматлари | 127,7 | - |
| 3 | хаво йўллари хизматлари | 3963,8 | - |
| 4 | туризм хизматлари | 48914,5 | 7128,8 |
| 5 | молиявий хизматлар | 1835,0 | - |
| 6 | ижара хизматлари | 9,8 | - |
| 7 | компьютер ва информацион хизматлар | 103,0 | - |
| 8 | маданий дам олиш хизматлари | 332,8 | - |

Шунингдек, 2-жадвалда вилоят хизматлар экспорти таркибида истиқболли ҳисобланадиган таълим, қурилиш, тиббий хизматлар жой олмаган.

Вилоят хизматлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича катта салоҳиятга эгаллигига қарамасдан, бугунги кунда бу салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмапти. Бу зиддиятни бартараф этиш учун ва истиқболда хизматлар экспортини ривожлантириш учун ташқи бозорда хизмат кўрсатишнинг хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Хизматлар экспортини ривожлантиришда минтақа хусусиятларидан келиб чиқиш лозим.

Хоразм вилояти халқаро бозорда туризм хизматлари билан рақобатбардош ҳисобланади. 2016 йилда вилоятда хорижлик сайёҳларга 2,3 млн. АҚШ долларилек экспорт хизматлари кўрсатилгани сўзимизнинг исботидир [8].

Туризм жаҳон иқтисодийётининг энг самарали соҳаларидан бири ҳисобланади. Бир қатор дунё мамлакатларида туризм соҳаси давлат бюджетини шакллантириш манбаи ҳисобланади. Туризмни ривожлантириш кўплаб иқтисодий-ижтимоий муаммоларга ечим топишда муҳим роль ўйнайди: қўшимча ишчи ўринлари яратилади, мамлакат тўлов балансининг ижобий ўсиш динамикаси яхшиланади.

Вилоятга хос бўлган хусусиятлардан бири юк ташиш хизматларидир. Юк автомобил хизматларининг самарадорлиги қуйидаги омиллар сабабли пасаймоқда:

- юк ташиш бўйича самарали қонунчилик механизмларининг мавжуд эмаслиги;

- асосий капитал эскиришининг юқори даражалиги, хорижий мамлакатлар техник талабларига жавоб берувчи инфратузилмаларнинг йўқлиги;

- энергия ташувчига бўлган нархнинг ўсиши;

- юк ташиш сифати ва хавфсизлиги даражасининг пастлиги;

- самарали логистик технологияларнинг мавжуд эмаслиги;

- юк ташиш умумий харажатларининг ошиши.

Умуман олганда, Хоразм вилоятида хизматлар экспорти таркиби жуда кам микдордаги хизматлардан ташкил топган. Ваҳоланки, вилоятимизда кўпгина истиқболли хизмат турлари мавжуд.

Хоразм вилоятида хизматлар экспортини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш мақсадида SWOT-таҳлили амалга оширилди (3-жадвал).

3-жадвал

Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили

| Кучли томонлари | Кучсиз томонлари |
|---|--|
| Вилоят экспорт таркибида хизматлар улушининг юқорилиги | Хизматлар хусусий корхоналар томонидан эмас асосан давлатга тегишли корхоналар томонидан экспорт қилинаётганлиги |
| Туризм хизматлари экспортининг ривожланганлиги | Экспорт хизматларининг анъанавийлашиб қолганлиги |
| Имкониятлари | Хавф-хатар ёки таҳдидлари |
| Тарихий ва меъморчилик қурилиш хизматлари экспортини йўлга қўйиш имкониятининг мавжудлиги | Хизматлар экспорти учун зарур инфратузилмаларнинг сифати пастлиги |
| Халқаро бозорда рақобат юқори бўлса, минтақавий бозорларда хизматларни экспорт қилиш | Хизматлар соҳаси бўйича замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассисларнинг етишмаслиги |

Манба: Таҳлил асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоят хизматлар экспортида бир қатор хал қилиниши лозим бўлган жиддий муаммолар мавжуд ва бу муаммоларни бартараф этишга қуйидаги таклифлар билдирилди:

- вилоятда халқаро юк ташиш бозорини шакллантириш учун замонавий талабларга жавоб берадиган инфратузилмаларни яратиш лозим. Бундай инфратузилмалар қаторига ахборотлаштириш маркази (ҳайдовчиларни вақтини, харажатини тежаш, босиб ўтадиган йўлини қисқартиришга имкон беради), моддий инфратузилма, жумладан, логистика терминалини (юқори технологиялар ёрдамида жаҳон стандартига мос келадиган юкларни қайта ишлаш имконини беради) яратиш лозим;

- экспорт хизматларини оширишнинг яна бир муҳим манбаи сифатида хорижий инвестициялар ёрдамида барпо этиладиган корхоналар ҳисобланади. Ушбу турдаги корхоналар мамлакатимизда фаолият кўрсатишар экан, банк, молия, суғурта хизматларининг ошишига замин яратади;

- минтақа экспорт соҳасининг истиқболли йўналишларидан бири таълим хизматларидир. Бундай хизматларга мамлакатимизнинг хориждаги ўқитувчилари киради. Шунингдек, мамлакатимиздаги таълим муассасаларидаги хорижлик талабаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари ҳам экспорт хизмати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хорижий талабаларни жалб қилиш учун олий

таълим муассасалари халқаро таълим бозорида самарали тарғибот ишларини амалга оширишлари зарур;

- вилоятда хизматлар экспортини ривожлантиришда асосий устувор йўналишлардан бири тарихий-меъморчилик дизайнларига асосланган қурилиш хизматларидир. Вилоятнинг ана шундай ўзининг ноёб хусусиятини халқаро бозорда фаол реклама қилиш орқали қурилиш хизматлари экспортини янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир;

- хизматлар экспортини ривожлантиришда тиббий хизматларнинг ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакатимизда тиббий хизматларни сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Вилоятда тиббий хизматлар экспортини йўлга қўйиш лозим.

Хизматлар экспортини нафақат халқаро бозор, балки минтақавий бозорда ҳам амалга ошириш мумкин. Вилоятнинг хизматлар соҳаси рақобатбардошлиги халқаро бозор талабларига жавоб бермаса, буни минтақавий бозорларда экспорт қилиш мумкин.

Умуман олганда юқоридаги барча хизмат турлари бир-бири билан боғлиқ тарзда ривожланади, бири бошқасини тўлдиради (мисол учун, туризм хизматлари экспорти ўз навбатида транспорт ҳамда молиявий хизматлар экспортини вужудга келтиради).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизматлар экспорти товарлар экспортига қараганда анча самарали ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, хизматлар кўрсатишга катта капитал қўйилмаларнинг талаб этилмаслигидир.

Шунинг учун ҳам минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни мақсад қилар эканмиз, хизматлар экспортининг самарадорлигини ошириш лозим. Бу ўз навбатида, минтақага кириб келадиган хорижий валюта оқимини кўпайтиради, тўлов балансини мусбат сальдога эришишини таъминлайди, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажминини оширади, бюджет автономлиги таъминланади. Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // “Ўзбекистон” Т.: - 2017 й. – 104б.

2. Шодмонов Ш.Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. -Т.:Молия нашриёти, 2002.-414 бет.

3. Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори диссертацияси автореферати. -Тошкент: ТДИУ, 2017 йил.-66 бет.

4. Денисова Е.М. Экспорт услуг: Основные тенденции в России/научная статья-Актуальные вопросы экономических наук. 2013.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.
7. Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари.
8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари.